

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АКРАМОВА ҲАФИЗА САМАДОВНА

**АҚЛИ ЗАИФ 4-5 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МЕХНАТ
КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КОМПЬЮТЕР
ДАСТУРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.03 – Махсус педагогика

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Акратова Ҳафиза Самадовна

Ақли заиф 4-5-синф ўқувчиларида меҳнат кўникмаларини шакллантиришда
компьютер дастуридан фойдаланиш технологияси.....3

Акратова Ҳафиза Самадовна

Технология использования компьютерных программ при формировании
трудовых навыков умственно отсталых учащихся 4-5 классов.....23

Akratova Hafiza Samadovna

The technology of using computer programs in forming labor skills for retarded
pupils of 4-5 class pupils.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publication.....46

**ТОШКЕТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АКРАМОВА ҲАФИЗА САМАДОВНА

**АҚЛИ ЗАИФ 4-5 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МЕХНАТ
КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КОМПЬЮТЕР
ДАСТУРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.03 – Махсус педагогика

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped1131. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муминова Лола Рахимовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хакимова Мухаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Назарова Дилдора Асадовна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2020 йил “_____” _____ да _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Х.Джураев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., академик

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, пед.ф.н.

Б.С.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раис ўринбосари, пед.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг маълумотига кўра дунё аҳолисининг 10/1 қисмини жисмоний ва руҳий ривожланишида муаммолари бўлган шахслар ташкил қилади. Шундан 3 % интеллектда камчилиги бор болалардир. Ақли заиф инсонларнинг жамиятда фаол иштирок этишлари, фаровон ҳаёт кечиришлари ҳамда ижтимоий мослашувини самарали шакллантиришда, уларнинг меҳнат кўникмаларини интенсив ўстириб бориш устида ишлар олиб борилмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида ақли заиф ўқувчиларнинг таълим жараёнида шахслараро муносабати, меҳнат кўникмаларини шакллантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, махсус мактабларда таълим жараёнида компьютер дастурларидан самарали фойдаланиш асосида ўқувчиларда ахборот билан ишлаш кўникма ва малакаларини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш орқали битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассис сифатида шаклланишини таъминлаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Республикамызда ногиронлиги бўлган болаларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи махсус ва инклюзив таълим тизими такомиллаштирилмоқда. Аҳолининг эҳтиёжманд катламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга алоҳида эътибор берилган¹. Натижада, имконияти чекланган болаларнинг сифатли таълим олиши, ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминлашга йўналтирилган комплекс тиббий-педагогик ёрдам кўрсатиш тизими педагогик жараёнга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали янада такомиллаштирилади.

Мамлакатимизда ақли заиф болаларнинг таълим мазмунини такомиллаштириш масалаларига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5270-сон, 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сон, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашни сари. – Т.: Гафур Фулом, 2017. – 92 б

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада умумтаълим ва махсус мактабларда ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва уларни касб-ҳунарга тайёрлаш муаммоси Р.А.Мавлонова, Э.И.Рузиев, Б.Умарова, П.Холматов, Х.Санақулов, М.Ф.Ҳакимова, М.Ҳамидова, К.Ғафурова, Д.Ғуломова, С.А.Азимов, Б.А.Қўчқоров, Х.Х.Турсуновларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Ақли заиф болаларга таълим-тарбия бериш, уларнинг нуқсонларини коррекциялаш, оилада ногирон фарзандни тарбиялашнинг илмий-назарий, методик асослари С.Ш.Айтметова, Ш.М.Амирсаидова, Л.Р.Мўминова, Д.А.Нуркелдиева, Л.Ш.Нурмухаммедова, П.М.Пулатова, М.П.Ҳамидова, Р.Ш.Шомахмудовларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш орқали фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш юзасидан мамлакатимиз олимлари А.А.Абдуқодиров, Ш.С.Шарипов, У.Ш.Бегимқулов, Н.А.Муслимов, Р.Р.Боқиев, А.Р.Ходжабаев, Н.Ш.Шодиев, Ф.М.Закирова, М.Э.Мамаражабов, Н.И.Тайлақов, С.Қ.Турсунов ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган.

Ҳамдўстлик мамлакатларида қатор олимлар, жумладан, А.Н.Граборов, Г.М.Дульнев, В.В.Кашченко, В.П. Мясисчев, Э.Сеген, Б.И.Пинский, Г.В.Васенков, А.Б.Меньков, Е.А.Ковалев, Н.П.Павлов, С.Л.Мирский, В.А.Шинкаренко, А.М.Шчербаков, К.Н.Корнилов, Н.Д.Левитов, К.К.Платонов, Л.М.Шварц, О.И.Кукушкина, Н.Н.Малофеевларнинг илмий изланишларида ақли заиф ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантириш масалалари тадқиқ қилинган.

Хорижий мамлакатлар олимлари С.Mark, J.D. Weber, Beatriz Manzano-Garcia, Maria Tome Fernandez, Mona Niemeyer, Turan Sağer, Günsu Yılma Şakalar, Bahadır Uçan, E.A. Polloway, J.R. Patton, J.D. Smit, J. Lubin, K. Antoine, L. Michael, H.E.Vuntix ва бошқалар имконияти чекланган болалар таълимига компьютер дастурларини жорий этишнинг методик масалалари юзасидан тадқиқот ишлари олиб борган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Фан ва технология агентлигининг ЁА-1-001 «Мактабгача ва мактаб ёшидаги мураккаб нуқсонли болаларнинг дифференциал таълим-тарбия технологияси» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2015-2017 йй).

Тадқиқотнинг мақсади ахборот коммуникацион технология воситалари асосида 4-5 синф ақли заиф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларда меҳнат таълими жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиш;

ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларда ақли заиф ўқувчиларда меҳнат таълими жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш;

ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларда АКТ воситалари асосида 4-5-синф ақли заиф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини шакллантиришга доир модель ишлаб чиқиш;

ақли заиф 4-5-синф ўқувчиларида меҳнат кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи дастурий ва методик таъминотни яратиш;

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш натижасида ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларда 4-5-синф технология дарсларининг самарадорлигини ва ўқувчиларда меҳнат кўникмаларининг шаклланганлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти – 4-5-синф ақли заиф ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида шакллантириш ва такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети – ақли заиф ўқувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари асосида меҳнат кўникмаларини шакллантириш мазмуни, шакли, воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов ишлари таҳлили, умумлаштириш, ижтимоий методлар (анкета, савол-жавоб, суҳбат, эксперт баҳолаш) математик-статистик таҳлил каби тадқиқот ва таҳлил натижаларини умумлаштириш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларда меҳнат таълими жараёнини ўқитишда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланишнинг методик имкониятлари илмий асосланди;

ахборот коммуникацион технология воситалари асосида 4-5 синф ақли заиф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини шакллантиришга доир модел ишлаб чиқилди;

меҳнат таълим самарадорлигини оширишда ақли заиф ўқувчиларнинг имкониятларига асосланган ҳамда ахборот коммуникацион технологиялари дифференциал ёндашувлар асосида дастурий ва методик таъминоти яратилди;

ақли заиф ўқувчилар меҳнат кўникмаларини шакллантириш бўйича такомиллаштирилган ва ишлаб чиқилган педагогик ҳамда компьютер технологияларининг самарадорлиги тажриба – синов ишлари орқали баҳолаш мезонлари аниқланди;

ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларда 4-5 синф технология дарсларида ўқитувчи дефектологлар ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланишлари бўйича тавсиялари ишлаб чиқилди;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларда «Технология» дарс жараёни ақли заиф ўқувчиларнинг умумий меҳнат кўникмаларини самарали эгаллашига мўлжалланган компьютер воситалари (мультимедия, слайд, видео, электрон қўлланма) билан технологик жиҳатдан тўлдирилди ва улардан дарсларда фойдаланиш мумкин;

«Технология махсус методикаси» фани бўйича фан дастурлари мазмуни ахборот-коммуникация технологияларига асосланган компьютер дастурлар ёрдамида ўқитишни ташкил этиш талаблари асосида такомиллаштирилди;

ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатлар педагог ходимларининг инновацион фаолиятини ташкил этишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўрни ва методик имкониятлари кенгайтирилди;

ақли заиф 4-5-синф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини дарсда, дарсдан ташқари вақтда ва оилада шакллантиришга мўлжалланган компьютер воситаларидан фойдаланиш бўйича тайёрланган электрон таъминотдан амалиётда кенг фойдаланиш мумкин;

ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларда 4-5-синф «Технология» дарсларида ўқитувчи-дефектологларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши бўйича тадқиқот натижаларидан махсус педагогика факультети бакалавриат босқичида «Технология махсус методикаси» фанини ўқитишда фойдаланиш тавсия этилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда қўлланган ёндашув, усуллар, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика усуллари воситасида асослангани, хулоса, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ақли заиф ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантиришнинг амалдаги ҳолати тажриба-синов ишлари орқали ўрганилган, самарали омиллари ва йўллари аниқланган, меҳнат таълимини ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этиш модели амалиётга жорий этилгани, компонентлари ишлаб чиқилгани билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан ақли заиф ўқувчилар билан «Технология» дарсларида, бакалавр-дефектолог мутахассисларни тайёрлашда махсус педагогика ва фанларни ўқитиш методикаси (олигофренопедагогика ва логопедия) модулларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ақли заиф ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини таълим жараёнида шакллантириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

ахборот-коммуникация технология воситалари асосида 4-5-синф ақли заиф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини шакллантириш бўйича таклифларларининг «Махсус педагогика» фани бўйича давлат таълим стандартлари ва малака талаблари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 октябрдаги 89-03-4171 сонли маълумотномаси). Натижада, модулларни ўқитиш самарадорлиги ошишига эришилган, ақли заиф ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантиришнинг методик аспектлари ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида бойитилган;

меҳнат таълим самарадорлигини оширишда ақли заиф ўқувчиларнинг имкониятларига устуворлик беришга асосланган дастурий ва методик таъминотга оид тавсиялар ИТД-1-61 - «Дефектология таълим йўналиши бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлаш жараёнига замонавий таълим моделлари таъсирини тадқиқ этиш» номли амалий грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 октябрдаги 89-03-4171-сонли маълумотномаси). Натижада, ақли заиф ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини ўқитувчи ва оила аъзолари ёрдамида ҳамда мустақил шакллантириш имконияти кенгайтирилган;

ақли заиф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини шакллантириш ҳамда ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларда 4-5 синф технология дарсларида ўқитувчи дефектологлар ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланишлари бўйича таклифлар ИТД-1-62 рақамли «Ногирон болаларни тарбиялашда оила, боғча, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини яратиш» номли амалий грант доирасида белгиланган вазифлар ижросини таъминлашда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 октябрдаги 89-03-4171 сонли маълумотномаси). Мазкур ўқув-услугий таъминот ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернат бошланғич синф ўқитувчиларининг такомиллаштирилган таълим технологияларини фойдаланиш имкониятларини янада кучайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 халқаро ва 2 республика анжуманида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 19 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 169 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Ақли заиф ўқувчилар меҳнат кўникмаларини шакллантиришнинг илмий-назарий аспекти» деб номланган биринчи бобида ақли заиф ўқувчилар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида технология дарсларини ташкил этишнинг мазмуни ва ўзига хослиги, ақли заиф ўқувчилар меҳнат кўникмаларини шакллантиришда компьютер дастуридан фойдаланишнинг самарали омиллари ёритилган. Шунингдек, ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида ақли заиф ўқувчилар меҳнат кўникмаларини шакллантиришнинг мавжуд ҳолати ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Таълим – бу аввало, умумлашган ўқув ва меҳнат кўникмаларини шакллантириш бўлиб, улар боланинг ривожланиш даражасини аниқ билим, кўникма ва малакалардан кўра кўпроқ акс эттиради. Умумлашган кўникмаларга фаолият мақсадини шакллантириш, иш учун зарур маълумотларни йиғиш, мақсад билан боғлиқ тажрибани долзарблаштириш, ўқув топшириғини фикран ҳал қилиш (режалаштириш) киритилади. Амалий топшириқни бажариш вақтида фаолиятнинг бошқарувчи ва фаоллаштирувчи компонентлари бўлиб, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш, ҳис-туйғуни бошдан кечириш, иродавий интилишлар хизмат қилади. Шу тариқа, таълимда коррекция фаолиятнинг мотивацион, эмоционал-иродавий, сенсор, ақлий компонентлари, боланинг мос сифатларини шакллантиришга йўналтирилган. Ёзиш, расм чизиш, технологияга ўргатиш учун ва жисмоний тарбиялаш шунингдек, ўқувчиларнинг моторикаси камчиликларини коррекциялаш ҳам муҳим ҳисобланади.

Ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернат учун технология дарсликларини яратишга К.Ғафурова, Д.Ғуломова, С.А.Азимов, Б.А.Қўчқоров, Х.Х.Турсунов кабилар ўз хиссасини қўшган.

Ақли заиф болаларга таълим-тарбия бериш, уларнинг нуқсонларини коррекциялаш, оилада ногирон фарзандни тарбиялашнинг илмий-назарий, методик асослари С.Ш.Айтметова, Ш.М.Амирсаидова, Л.Р.Мўминова, Д.А.Нуркелдиева, Л.Ш.Нурмухаммедова, П.М.Пулатова, М.П.Хамидова, Р.Ш.Шомахмудованинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатлар учун технология махсус методикалари ишлаб чиқилган: бошланғич синфлар учун

(Н.П.Павлов), қишлоқ хўжалик меҳнатини ўқитиш методикаси (Е.А.Ковалев), касбий-технология махсус методикаси (С.Л.Мирский).

Технология дарслари жараёнига компьютер дастурлари аста-секин жорий этилмоқда (Г.В.Васенков., А.Б.Меньков., А.М.Шчербакова). Меҳнат фаолиятининг ихтиёрий турини эгаллаш маълум меҳнат кўникмаларини эгаллаш билан боғлиқ. Бундан ташқари, меҳнат фаолияти, айниқса, ақли заиф болалар учун тарбиянинг зарур шarti ва воситаси ҳисобланади. Барча баён этилганлар, «кўникма» тушунчасининг мазмуни, технология дарсларида унинг шаклланиши тўғрисидаги илмий маълумотларнинг таҳлилини талаб этди. Мазкур тоифадаги ақли заиф болаларда кўникмаларнинг шаклланиш хусусиятларини билмай туриб, махсус муассасада таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш ва тарбияланувчиларни мустақил меҳнат фаолиятига тайёрлаб бўлмайди.

Буни таниқли инсонпарвар педагог Э.Сегеннинг мазкур гуруҳ болаларининг таълими ва тарбиясида «фақатгина аниқ амалий фаолият кўникмаларини эгаллаш билангина мустақиллик, фаоллик, тузатиш қобилиятини юзага келтириш мумкин»лиги тўғрисидаги фикри (Х.С.Замскийнинг маълумотлари асосида) тасдиқлайди.

Таҳлилларга кўра, махсус адабиётларда ҳозирги вақтга қадар “кўникма” тушунчасини аниқлаш тўғрисидаги масала бўйича тортишувлар мавжуд. К.Н.Корнилов., Н.Д.Левитов., К.К.Платонов., Л.М.Шварц ва бошқалар кўникма малакаларни шакллантиришда маълум босқич ҳисобланади ва ўзида яқунланмаган малакани акс эттиради деб ҳисоблайди.

Мазкур муаллифларнинг фикрига кўра, машқ жараёнида кўникмалар автоматлаштирилади ва малакага айлантиради. Шу тариқа, «малака» ва «кўникма» тушунчалари орасида малакаларни машқ натижасида мустақамланган кўникмалар сифатида белгиловчи ўзаро боғлиқлик мавжуд.

Кўпгина психологлар (Е.И.Бойко, Е.И.Милерян, Н.А.Риков, З.И.Ходжава, В.В. Чебишева) мазкур нуқтаи назарни тасдиқламайди ва кўникмани мустақил психик ҳодиса сифатида қараш лозим, деб ҳисоблайди. «Кўникма» деганда, улар билимларни амалиётда кўллаш билан боғлиқ амалларни тушунади.

В.В.Чебишева ўқиш ва машқ қилиш натижасида маълум малакалар шаклланади деб ҳисоблайди. Муайян фаолиятни бажариш қобилияти сифатида кўникмалар тўғрисида гапирилганида, кўпроқ тегишли малакаларнинг мавжудлигини назарда тутадилар.

Олимлардан Г.М.Коджаспирова, А.Ю. Коджаспиров куйидаги таърифни келтиради: «Кўникма» – тез, аниқ, онгли равишда, эгалланган билимлар ва ҳаётий тажриба асосида бажариладиган амалий ва назарий хатти-ҳаракатларга тайёрлик. Кўникмалар машқ қилиш орқали шакллантирилади.

Тадқиқотимиз давомида биз ўзбек тилининг изоҳли луғати, шунингдек, «Маънавият асослари» изоҳли луғатида берилган таърифлар, республикамиз олимларининг илмий тадқиқот ишларини илмий назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, «кўникма» терминига муаллифлик таърифимизни бердик.

Мазкур муаллифлик таърифимизга кўра, махсус педагогик кўникмалар – бу ақли заиф болалар билан ишларни ташкил қилишнинг мақсад, тамойиллари, шартлари, воситалари, шакллари ва методлари асосидаги амалий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси; кўникмаларнинг учта: вазифаларни аниқлаш ва вазиятни ташкил қилиш; таъсир этиш ва ўзаро муносабатлар усуллари қўллаш; педагогик ўз-ўзини таҳлил қилишдан фойдаланиш билан боғлиқ гуруҳи фарқланади. Кўникама – бирор-бир ишни бажариш қобилияти, ўқиш, тажриба натижасида эгалланган бирор нимани амалга ошириш.

Аммо республикада ақли заиф ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантиришда компьютер дастуридан фойдаланиш технологияси назарий, илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган, жараённинг дидактик таъминоти ишлаб чиқилмаган. Умумтаълим мактаблари сингари ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатда ўқитиш жараёни кўрсатиб ўтилган учта функцияни амалга оширади, аммо ақли заиф болаларни ўқитишда коррекцион функция аҳамиятли хусусиятларга эгадир. Улардан асосийси, мазкур функция ўқувчиларнинг ижтимоий мослашувида эгаллаган ўрнига боғлиқдир. Агар ўқитишнинг таълимий ва тарбиявий функциялари ривожланишнинг шаклланган маълум даражаларига таянса (Л.С.Виготский бўйича ҳақиқий ва яқин ривожланиш соҳалари), ривожлантирувчи функция эса ақли заиф боланинг таълим олишдаги ривожланиши учун ички шароитларни яратади. Унинг яқин ривожланиш соҳаси мазкур шароитларга таянган ҳолда, янги материални қамраб олади ва янада юқори даражадаги ҳақиқий ривожланиш соҳасига ўтади. Аммо айнан янгини ўзлаштиришда ақли заиф ўқувчиларнинг таълимдаги асосий камчиликларини намоён бўлади. Шунга кўра, ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатдаги таълим жараёнининг самарадорлиги ўқувчилар фаолиятининг ички шароитлари – уларнинг эҳтиёжлари, қобилиятлари, тажрибалари, ўқув фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ўқитишнинг шакллантирувчи функцияси бундай вазифани ҳал қилишга йўналтирилган бўлиб, у ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернат шароитида коррекцион характерга эгадир. Шу тариқа, ақли заиф ўқувчиларнинг меҳнат таълимининг дидактик жиҳатлари таҳлили технология дарслари ўқитишнинг барча босқичларида компьютер дастуридан фойдаланишнинг катта имкониятларга эгаллиги, уларни дарсларда қўллаш эса методиканинг мустақил элементи бўлиши ҳам ва фаолиятни мўлжаллаш, режалаштириш ва ўз-ўзини назорат қилиш жараёнларида бошқа воситалар мажмуида қўлланиши мумкинлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Ақли заиф 4-5-синф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини шаклланганлик ҳолатини ўрганиш ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш методикаси**» деб номланган иккинчи боби ақли заиф 4-5-синф ўқувчиларининг меҳнат кўникмалари шаклланганлик ҳолатини ўрганиш ва компьютер дастуридан фойдаланиш технологиялари асосида ақли заиф 4-5-синф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини шакллантириш модели ёритилиб берилган. Ахборот-

коммуникация технологиялари воситасида дифференциал ёндашувни амалга оширишнинг ўзига хос дидактик тамойиллардан фойдаланиш методикаси ўрганилган ва унинг натижалари ишлаб чиқилган.

Таъкидловчи тажриба-синов жараёнида ўқитувчиларни компьютердан фойдаланишда 4-5-синф ақли заиф ўқувчиларда меҳнат кўникмаларни шаклланган даражасини аниқлаш ҳамда уни таълим жараёнида мультимедия технологиялардан қандай фойдаланганлигини аниқлаш мақсадида саволнома ўтказилди. Таъкидловчи тажриба-синовни режалаштиришнинг мақсади, вазифаси усуллари, мазмуни ишлаб чиқилди ва олинган натижалар таҳлил этилди. Шунингдек, бу бобда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш технологиялари асосида ақли заиф 4-5-синф ўқувчиларни меҳнат кўникмаларини шакллантириш бўйича модель ишлаб чиқилди.

Таъкидловчи тажриба-синов вазифалари:

ихтисослаштирилган махсус мактаб педагогларининг «Технология» дарсларининг мазмун ва мақсадини билиши даражасини ўрганиш ва аниқлаш;

ихтисослаштирилган махсус мактаб технология дарсларининг бугунги кун талабларига мослик даражасини аниқлаш;

«Технология» дарсларида компьютер дастуридан фойланиш ҳолатини ўрганиш;

ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги даражасини аниқлашдан иборат.

Сўровнома

1. Ф.И.О. _____

2. Ёшингиз _____

3. Жинсингиз _____ аёл _____ эркак

4. Маълумотингиз _____

5. Иш жойингиз _____

6. Нечанчи синфларга дарс берасиз _____

7. Сиз дарсларда компьютердан фойдаланасизми, қайси вақтда? Дарсда, тўғаракларда, фойдаланмайман (белгиланг).

8. Ақли заиф ўқувчиларга «Технология» дарсларида интерфаол усуллардан фойдаланасизми?

9. «Технология» дарсларида ақли заиф ўқувчиларга компьютер дастурларидан нечанчи синфларда фойдаланиш мумкин? бошланғич синф, 4-синф, 5-синф (белгиланг).

10. Ақли заиф ўқувчиларингиз компьютердан фойдалана оладими? яхши, ўрта, паст, билмайди (белгиланг).

11. Сиз ўзингиз компьютер билан ишлай оласизми, қайси officeдан фойдаланасиз (word, excel, Power Point) (белгиланг).

12. Сиз ақли заиф ўқувчиларга технология дарси жараёнида предметларни кўрсатишда компьютер дастури ёки мультимедиадан фойдаланасизми?

13. Сиз интернетда мустақил ишлай оласизми? (яхши, ўрта, паст, билмайман) (белгиланг).

14. Сиз интернет оркали ўзингизга керакли манбаларни топа оласизми? (яхши, ўрта, паст) (белгиланг).

15. Сиз компьютердаги манбани флешкага кўчира оласизми? (яхши, ўрта, паст, билмайман) (белгиланг).

16. Сиз компьютерда offiседа ёзган маълумотларни сақлай оласизми? (яхши, ўрта, паст, билмайман) (белгиланг).

17. Сиз компьютерда жадваллар, расмлардан фойдалана оласизми? (яхши, ўрта, паст, билмайман) (белгиланг).

18. Сиз ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш учун ўқув курсларида малака оширганмисиз ёки ўқиганмисиз. (ха, йўқ)

19. Сиз интернетда электрон почта оча оласизми?

20. Сиз компьютернинг PDF, DOC, JPG форматларидан фойдалана оласизми? (яхши, ўрта, паст, билмайман) (белгиланг).

21. Сиз учун компьютерда ишлаш муаммолари.

22. Кўшимча фикрингиз.



Таъкидловчи тажриба-синов натижаси бўйича хулоса:

1. Ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернат технология ўқитувчиларининг компьютер саводхонлиги ҳар хил даражада (юқори, ўрта, паст) экани аниқланди.

2. Биз ўтказган таъкидловчи тажриба-синов жараёнида ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларда компьютер синфларининг мавжуд эмаслиги ҳамда устахоналарда компьютердан фойдаланилмаслиги аниқланди.

Таъкидловчи тажриба-синов натижаларидан келиб чиқиб, ўқув-тарбия жараёнида компьютер дастуридан фойдаланиш технологиялари асосида ақли заиф 4-5-синф ўқувчиларни меҳнат кўникмаларини шакллантириш модели ишлаб чиқилди. Ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг ахборот технологияларининг интеграцияси меҳнат кўникмаларини ўргатишни ташкил этишни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич содир бўлади.

1. Биринчи босқичда ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш зарурати ва буни тажрибада амалга ошириш учун имкониятнинг мавжудлиги аниқланади. Бунга электрон кўринишда

тақдим этиш мумкин бўлган таркибий ўқув-услугий материаллар мавжудлиги асос бўлиб хизмат қилади.

2. Иккинчи босқич умумий меҳнат кўникмаларини шакллантиришда ахборот технологияларидан фойдаланишни аниқлаштириш билан боғлиқ.

Мазкур босқични бир неча кичик босқичга бўлиниши мумкин.

3. Аввалги босқичларнинг ўзига хослиги ахборот технологияларининг интеграцияси кўпроқ умумлаштирилган ҳолда ўрганилганлигидан иборат.

4. Тайёрланган лойиҳани амалда жорий этиш учун маълум тайёргарлик ишларини бажариш талаб этилади. Унга, биринчи навбатда, ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш учун талаб этиладиган бутун ўқув-услугий ҳужжатларни ва бошқа материалларни янгилаш тааллуқли (агар мустақил ишни ташкил этиш учун электрон дасрликдан фойдаланиш кўшимча таклиф этилса, унда бу мос билимларни танлашда ўз ифодасини топиши керак).


5. Ўқув-тарбиявий жараённинг амалдаги ҳақиқий бориши таклиф этилганидан фарқланиши мумкин. Ўқув-тарбиявий жараённинг боришини бошқариш таълим олувчилар уларга таклиф этилган ва ўқув курсига интеграциялашган ахборот-коммуникация технологияларидан қандай фойдаланаётганликларини узлуксиз ўрганиш ва уларнинг ҳаракатларини керакли томонга йўналтиришдан иборат бўлиши керак.

6. Якуний босқичда ҳақиқий ютуқларни ўрганиш ва ахборот технологияларидан фойдаланиш қанчалик самарали бўлгани тўғрисидаги саволга жавоб бериш зарур.

7. Натижалар таҳлили бизнинг босқичма-босқич моделimizни яқунлайди ва унинг бошига қайтиб ёпади, чунки айнан шу ердан ахборот технологияларини қўллашда мавжуд муаммоларни қайта кўриб чиқиш такомиллаштириш учун имкониятларни топиш мумкин.

8. Баён этилган ўқув-тарбия жараёнига компьютер дастуридан фойдаланиш технологиялари асосида ақли заиф 4-5-синф ўқувчиларни меҳнат кўникмаларини шакллантиришнинг концептуал тузилмаси 1-расмда берилган модель кўринишида ифодаланди.

Ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг ахборот технологияларини интеграциялаш жараёнининг боришини моделлаштирувчи тизим ифодаланган. Ахборот технологияларининг ўқув-тарбия жараёнига интеграцияси тўлиқ бошқариладиган бўлиши кераклиги табиийдир. Бунда маъмурий бошқарув эмас, балки моделнинг ўзида барча босқичларда таъсир кўрсатадиган бошқарув элементлари мавжудлиги назарда тутилмоқда. Сифатни таъминлаш деганда, биз нафақат билимлиликнинг маълум даражасига эришиш, балки интеграциянинг барча босқичларидаги ҳаракатлар қўйилган мақсадга эришишга олиб келишни тушунамиз. Педагог ахборот технологиялари қўлланадиган мавзуларни белгилаши, таълим шаклини ёки аниқ бир дастурий воситани танлашида ҳар сафар қўйилган мақсадга кўпроқ яқинлаштирувчи қарорда тўхталиши керак: жараёни бошқариш айнан шундан иборат ҳисобланади.



1-расм. Компьютер дастуридан фойдаланиш технологиялари асосида ақли заиф 4-5-синф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини шакллантириш модели.

Моделнинг мазкур хусусияти ўқув-тарбия жараёнига ахборот технологияларини интеграциялаш жараёнининг таркибий қисмлари ва унинг чизиқсиз табиатини ақс эттириб, рекурсиялар ўқув жараёнини ташкил этишнинг умумий тамойиллари доирасида бошқарилишида унинг бузилмаслигини таъминлайди. Махсус компьютер дастурини ишлаб чиқишда компьютер воситасида киритиладиган педагогик технология қанчалик замонавийлиги ва асослилиги ҳамда бўлажак компьютер дастурининг мазмуни коррекцион педагогиканинг илғор ривожланиш тенденцияларига қанчалик жавоб беришини олдиндан таҳлил қилиш зарур.

Таълим ва коррекцион иш жараёнида мутахассис дефектологлар, ақли заиф ўқувчилар томонидан тузилган компьютер дастурларидан фойдаланиш меҳнат самарадорлигини ошириш ва тарбияланувчининг ҳаётини енгиллаштиришга имкон беради. Компьютер технологияларидан мунтазам фойдаланишнинг баъзи жиҳатлари қуйидагилардир:

Компьютер кўпгина сонли машқлар давомида нутқ малакасини шакллантиришга ёрдам беради ва бунда уларни бажаришга бўлган барқарор қизиқиш сақланиб қолади. Компьютерда бир топширикни бажаришнинг бир неча мураккаблик даражалари берилган бўлиши мумкин ва бу нисбатан мураккаб материалда ишлаш кўникмасини изчил шакллантириш ва уни автоматлаштиришга етказиш учун асос яратади.

Ишлаб чиқиш предмети алоҳида мавжуд бўлган дастурий воситалар ёки технологиялар эмас, балки дастурий-услубий мажмуалар ҳисобланади. Ҳар бир компьютер дастури ўқитувчи учун қўлланма кўринишидаги, мазкур компьютер технологиясини ўқитувчининг иш тизимига интеграциялаш жараёнини тартибга солувчи услубий кўмакка эга бўлиши керак. Янги махсус дастурий-услубий мажмуаларни махсус мактабларга жорий этиш ўқитувчиларнинг мақсадли курс тайёргарликларини, жорий этиш босқичида услубий қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашишни назарда тутаяди.

Диссертациянинг «Ақли заиф 4-5-синф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини шакллантиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш бўйича тажриба-синов ишлари мазмуни ва методлари» деб номланган учинчи бобида махсус таълим муассасаларида тажриба-синов ишларини ташкил этиш мазмуни, босқичлари, усуллари ёритилган ва тажриба-синов натижаларининг математик статистик таҳлили келтирилган.

Таълимий тажриба-синовнинг самарадорлигини режалаштиришнинг мақсади анъанавий усуллардан фойдаланиб, олиш мумкин бўлган катта ҳажмдаги маълумотларни олишдан иборат эди. Тажриба-синов натижасида олинган маълумотлар махсус статистик таҳлил этилди.

Олинган натижаларга асосланган ҳолда топилган натижалардан ўртача квадратик четланишлар, танланми дисперсияси, вариация кўрсаткичлари, Студентнинг танланма мезони ва у асосда эркинлик даражаси Пирсоннинг мувофиқлик критерийи ва ишонччилик четланишлари топилди. Булар қуйидаги жадвалда келтирилган.

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	s_x	s_y	K	δ_x	δ_y
2,9444	2,3389		Тажрибагача ҳеч қандай ўзгариш бўлмади					
3,4889	3,1111	0,7900	0,52139	0,3336	0,0034	176	0,1014	0,1064

Стюдент тақсимотига асосан, $t_{0,95}(45) = t_{\lambda} = 2,016$,

$$s_x = \sqrt{\sum_1^{45} n_i (x_i - \bar{x})^2 / (n-1)} = 1,8772, \quad s_y = \sqrt{\sum_1^{45} n_i (y_i - \bar{y})^2 / (n-1)} = 0,9673 \text{ бўлади. Бизда}$$

$2\Phi(t) = 0,95$ учун 3-жадвалдан $t=1,96$. Четланишлар учун қийматларни, $\delta_x = t_{\lambda} s / \sqrt{n} = 2,016 \cdot 1,8772 / 6,7082 = 0,5642$, $\delta_y = t_{\lambda} s / \sqrt{n} = 2,016 \cdot 0,9673 / 6,7082 = 0,2907$

ишончлилиқ интерваллари учун $(\bar{x} - \delta_x; \bar{x} + \delta_x) = (2,9247; 4,0532)$ va $(\bar{y} - \delta_y; \bar{y} + \delta_y) = (2,8204; 3,4018)$ ларни оламиз.

Критик қиймат учун $F_{0,95}(45;45) = 1,96 = u_{1-\frac{\alpha}{2}}$ Пирсон тақсимотига асосан

$$Z_{набл} = F = \frac{S_x^2}{S_y^2} = 3,7661 \text{ бўлгани сабабли ва } Z_{набл} = 3,7661 > t_{0,95} = 1,96$$

бажарилиб $H_0 : D(X) = D(Y)$ гипотеза рад этилади. Демак, биздаги биринчи H_0 гипотеза ўринли эмас. Бу ерда танланмаларниг тузатилган дисперсиялари бир-биридан анча фарқ қилади, яъни конкурент гипотеза $Z_{набл} = 3,7661 > t_{0,95} = 1,96$ ўринли бўлади.

N	X	Y	x^2	y^2	Xy
12	4,5	4,5	20,25	20,25	20,25
6	4,5	3	20,25	9	13,5
14	3	3	9	9	9
8	3	2	9	4	6
5	2	2	4	4	4
$\sum_{n=45}$	157	140	582	475	518

Юқоридаги натижаларга асосан статистик параметрларни аниқлаймиз.

$$M(X) = \bar{x} = \frac{\sum n_i x_i}{n} = 3,4889, \quad M(Y) = \bar{y} = \frac{\sum n_i y_i}{n} = 3,1111$$

$$\sigma^2(X) = D_g(X) = \frac{\sum x_i^2}{n} - (\bar{x})^2 = 1,066943, \quad \sigma^2(Y) = D_g(Y) = \frac{\sum y_i^2}{n} - (\bar{y})^2 = 0,8767$$

$$\sigma(X) = \sqrt{1,06694} = 1,03292; \quad \sigma(Y) = \sqrt{0,8767} = 0,9363$$

$$C_{xy} = \frac{\sum x_i y_i}{n} - \bar{x} \bar{y} = 0,6568 \quad r_{xy} = \frac{C_{xy}}{\sigma(X)\sigma(Y)} = \frac{0,6568}{1,03292 \cdot 0,9363} = 0,6791.$$

Ушбу коэффициентларга кўра, $|r_{xy}| \sqrt{n-1} = 0,6791 \cdot \sqrt{45-1} = 4,55046 > 3$ бажарилгани сабабли X ва Y миқдирлар корреляцияланишига эҳтимол катта.

Энди регрессия тенгламаларини ёзамиз. Улар $y_x - \bar{y} = r_{xy} \cdot \frac{\sigma(Y)}{\sigma(X)} (x - \bar{x})$, c

$x_y - \bar{x} = r_{xy} \cdot \frac{\sigma(X)}{\sigma(Y)} (y - \bar{y})$ тенгламаларга асосан $y_x - 3,1111 = 0,9464(x - 3,4889)$ ва $x_y - 3,4889 = 1,1032(x - 3,1111)$ эканини оламиз. Демак, $y_x = 0,9464x - 0,1908$ ва $x_y = 1,1032y + 0,0567$ регрессия чизиқларининг тенгламаларини оламиз.

Юқоридаги келтирилган жадвал ва графиклардан кўриниб турибдики, эмпирик ва критик қийматлани солиштириб, $Z_{набл} = 3,7661 > t_{0,95} = 1,96$ бўлгани сабабли хатолик биздаги $\gamma = 0,05$ даражага мос келади. Танланма фарқи биздаги 95% га тўғри келади. Назорат гуруҳида деярли ўзгариш йўқ, тажриба гуруҳида эса охирида бошига нисбатан юқори даража 6% га ошган, ўрта даража 2% га ортиб, паст даражаси эса 8% га камайган. Демак, ушбу тадқиқот натижалари юқорида қўлланган методика самарали эканини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори. Демак, «Технология» дарсларида ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантиришда компьютер дастуридан фойдаланиш технологиясининг самарадорлик даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

ХУЛОСА

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-устувор йўналиши мамлакатимиз тараққиёти учун ғоят долзарб аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий соҳа яъни таълим-тарбия ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга, имконияти чекланган шахсларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга алоҳида эътибор берилган. 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилди.

2. Тадқиқотда «Технология махсус методикаси»га компьютер дастурини киритишнинг дидактик хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Ақли заиф ўқувчиларнинг технология дарсларида компьютер дастур асосида мультимедиа воситасидан фойдаланиб коррекцион-ривожлантирувчи технологиянинг самарадорлигини текшириб кўришга ҳаракат қилдик. Замонавий жамият, ҳеч бир истисносиз барча турдаги ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернат битирувчилари яшайдиган ва ишлайдиган янги ахборот маданияти, янги фаолият маданиятини фаол ярата бошлаб, мазкур саволга жавоб қайтаришга интиломқда. Ҳаётнинг ўзи мутахассислар олдида махсус таълим тизимида компьютер техникасини жорий этиш муаммосини кўймоқда. Мазкур тадқиқот иши доирасида ихтисослаштирилган мактаб интернат 4-5- синфлари технология дарсларида кўмаклашиш учун, ақли заиф

ўқувчиларда умумий меҳнат кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган таълимий компьютер дастурларидан фойдаланиш хусусиятлари аниқланди ва ўрганилди.

3. Компьютер дастур мультимедиа воситаси асосида ақли заиф болаларда меҳнат кўникмаларини шакллантиришнинг асосий натижалари ва хулосалари шундан иборатки, махсус таълимнинг замонавий ҳолатини таҳлили асосида компьютер саводхонлиги элементларини шакллантириш муаммосининг етарлича ишлаб чиқилмагани ҳамда бунинг дастурий талаблар, мос дидактик материаллар, методик ишланмалар мавжуд эмаслигида фойдаланувчи объектив сабаблари аниқланди. Муаммонинг ечими сифатида, компьютер саводхонлигини самарали шакллантириш учун мўлжалланган махсус ишлаб чиқилган тизим таклиф қилинди.

4. Ақли заиф ўқувчилар таълимнинг энг қулай шакл ва методларидан, техника ва компьютер технологияларининг энг оддий турларидан фойдаланиб, дифференциаллаштирилган таълимни қўллаш асосида ўқувчиларнинг ўз кучи ва қобилиятларига ишонч туйғусини ҳосил қилиш мақсадга мувофиқ. Ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларининг компьютер дастур ва қўлланмалари ақли заиф ўқувчиларнинг жисмоний ва руҳий фаолиятидаги хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиб, улар ақли заиф ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларни меҳнатга тайёрлаш, улардаги муайян камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

5. Компьютер технологияларининг ривожланиши ва уларни ёрдами мактаб интернати ишига жорий этилиши сабабли ривожланишида турли бузилишлари, ақли заиф болаларнинг таълим жараёнининг дидактик имкониятлари сезиларли кенгаймоқда ва ақли заиф болаларда меҳнат кўникмаларини шакллантирилганлиги кузатилди.

6. Амалга оширилган тажриба-синов натижаларини математик-статистик методлар ёрдамида қайта ишлаш компьютер технологиялар воситасида ақли заиф болаларда меҳнат кўникмаларни шакллантириш бўйича мультимедиа электрон дарслик, дарс ишланмалари, методик кўрсатмалар ақли заиф ўқувчиларнинг меҳнат кўникмалари сезиларли даражада ошишига олиб келганини тасдиқлади.

7. Тадқиқот мавзуси бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари ақли заиф ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш бўйича коррекцион ишларни давом этириш, улар учун ижтимоий муҳитда фойдалана олиши мумкин бўлган индивидуал коррекцион-шакллантирувчи методикаларни ишлаб чиқиш лозим.

8. Компьютер дастуридан фойдаланиш ақли заиф болалар учун мактабларда мақсадга йўналтирилган ижтимоий фойдали шахсни шакллантириш орқали таълим муҳитини ўзгартиришга ёрдам бериб, унда меҳнатга тайёргарлик ва унинг мазмуни, аввало, ақли заиф боланинг реабилитация ресурслари ҳамда мустақил ҳаётга тайёрлик сифат кўрсаткичлари асосида белгиланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АКРАМОВА ХАФИЗА САМАДОВНА

**ТЕХНОЛОГИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КОМПЬЮТЕРНЫХ ПРОГРАММ
ПРИ ФОРМИРОВАНИИ ТРУДОВЫХ НАВЫКОВ УМСТВЕННО
ОТСТАЛЫХ УЧАЩИХСЯ 4-5 КЛАССОВ**

13.00.03 – Специальная педагогика

АВТОРЕФЕРАТ

**ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.3.PhD/Ped1131.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу: www.tdpu.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Муминова Лола Рахимовна**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хакимова Мухаббат Файзиевна**
доктор педагогических наук, профессор

Назарова Дилдора Асадовна
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: **Кокандский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2020 года).

Р.Х.Джураев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н., академик

Р.Г.Исянов
Секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н.

А.С.Абдуллаева
Заместитель председателя научного семинара
научный совет по присуждению
научная степень, д.п.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно данным Организации Объединенных Наций, 10/1 часть населения мира составляют лица с проблемами в физическом и психическом развитии. 3 процента из них – это дети с недостатками в развитии интеллекта. В мировых масштабах проводится работа по вопросам активного участия умственно отсталых людей в жизни общества, обеспечения их благополучной жизнедеятельности и эффективной социальной адаптации, интенсивного развития их трудовых навыков.

В ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира осуществляется научный поиск в области межличностных отношений умственно отсталых учащихся в образовательном процессе, формирования их трудовых навыков. Также, особую научно-практическую значимость приобретают проблемы развития навыков и умений учащихся специализированных школ работы с информацией на основе эффективного использования в образовательном процессе компьютерных программ, обеспечения формирования выпускников в качестве конкурентоспособных на рынке труда специалистов через повышение качества образования.

В нашей республике совершенствуется система специального и инклюзивного образования, призванного обеспечить привлечение и активное участие детей с инвалидностью к социально-экономической жизни общества. Уделяется особое внимание социальной защите слоев населения с особыми нуждами, усилению государственной поддержки лиц с инвалидностью². В результате, все более совершенствуется через внедрение в педагогический процесс информационно-коммуникационных технологий система комплексной медико-педагогической помощи, ориентированная на получение качественного образования детьми с ограниченными возможностями, адаптации их к социальной жизни.

В нашей стране уделяется большое внимание вопросам совершенствования содержания образования умственно отсталых детей. Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-5270 от 1 декабря 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы государственной поддержки лиц с инвалидностью», №УП-5349 от 19 февраля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», №УП-5712 от 29 апреля 2018 года «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

² См.: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараккиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Фафур Фулом, 2017.- 92 б

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В нашей республике проблемы формирования трудовых навыков учащихся общеобразовательных и специализированных школ, их профессиональной ориентации нашли свое отражение в исследованиях таких ученых, как Р.А.Мавлонова, Э.И.Рузиев, Б.Умарова, П.Холматов, Х.Санакулов, М.Ф.Хакимова, М.Хамидова, К.Гафурова, Д.Гуломова, С.А.Азимов, Б.А. Кучқоров, Х.Х.Турсунов. Вопросы обучения и воспитания умственно отсталых детей, коррекции их дефектов, научно-теоретические и методические основы воспитания ребенка-инвалида в семье исследованы в научных работах С.Ш.Айтметовой, Ш.М.Амираидовой, Л.Р.Муминовой, Д.А.Нуркелдиевой, Л.Ш.Нурмухаммедовой, П.М.Пулатовой, М.П.Хамидовой, Р.Ш.Шомахмудовой.

Отечественные ученые, как А.А.Абдукодиров, Ш.С.Шарипов, У.Ш.Бегимкулов, Н.А.Муслимов, Р.Р.Бокиев, А.Р.Ходжабаев, Н.Ш.Шодиев, Ф.М.Закирова, М.Э.Мамаражабов, Н.И.Тайлаков, С.К.Турсунов осуществляли научный поиск в области повышения эффективности преподавания учебных дисциплин через эффективное использование в образовательном процессе информационно-коммуникационных технологий.

В научных работах ряда ученых из стран СНГ, в частности А.Н.Граборов, Г.М.Дульнев, В.В.Кашченко, В.П. Мясичев, Э.Сеген, Б.И.Пинский, Г.В.Васенков, А.Б.Меньков, Е.А.Ковалев, Н.П.Павлов, С.Л.Мирский, В.А.Шинкаренко, А.М.Шчербаков, К.Н.Корнилов, Н.Д.Левитов, К.К.Платонов, Л.М.Шварц, О.И.Кукушкина, Н.Н.Малофеев исследованы вопросы развития трудовых навыков умственно отсталых учащихся.

Научные исследования в области методических вопросов внедрения компьютерных программ в обучения детей с ограниченными возможностями проводили ученые дальнего зарубежья, как С.Mark, J.D.Weber, Beatriz Manzano-Garcia, Maria Tome Fernandez, Mona Niemeyer, Turan Sağer, Günsu Yılma Şakalar, Bahadır Uçan, E.A. Polloway, J.R.Patton, J.D. Smit, J. Lubin, K.Antoine, L.Michael, H.E.Buntix.

